



УДК: 378.015.31(575.1)

Лола НАРИМБАЕВА,

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчisi

E-mail: [Lolaxon@idau.uz](mailto:Lolaxon@idau.uz)

ТДПУ профессори, н.ф.д Н.А. Рахмонкулова тақризи асосида

## INTELLECTUAL-FACTORS AND PRINCIPLES OF CREATIVE TALENT DEVELOPMENT IN STUDENTS

### Annotation

The article focuses on the development of intellect and creative abilities in studentstirishgamini lit. Also, on the basis of the cluster approach, the scheme for the development of usual-creative abilities in students is presented . The students are given a series of principles and systematic implementation of the work on the development of creative abilities.

**Key words:** Collaborative collaboration ,credit module, creativity,intellect, personality, interest, System, Foundation, creative environment ,project, motivation.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ И ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ У СТУДЕНТОВ

### Аннотация

Статья посвящена развитию интеллекта и творческих способностей у студентов. Также на основе кластерного подхода представлена схема развития индивидуально-творческих способностей у учащихся. Студентам дается ряд принципов и систематическое выполнение работы по развитию творческих способностей.

**Ключевые слова:** Совместная работа, кредитный модуль, креативность, интеллект, личность, интерес, система, фундамент, творческая среда, проект, мотивация.

## ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

### Аннотация

Ушбу мақолада талабаларда интеллект ва ижодий қобилиятни ривожлантиришга мазмуни ёритилган. Шунингдек, кластер ёндашуви асосида талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш тузилмаси келтирилади. Мақолада интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш ҳамда унинг бир қатор тамойиллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** Коллaborатив ҳамкорлик, кредит модул, ижодкорлик, интеллект, шахс, қизиқиш, тизим, негиз, ижодий мухит, лойиха, мотивация, онглилик, фаоллик.

**Кириш.** Сўнгги йилларда кўплаб тадқиқотчilar фаол шахсни шакллантириш, унинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, қасбий қизиқиш ва билим қобилиятларини шакллантириш таълим муассасалари олдиаги улкан вазифа эканлигини таъкидламоқда. Педагогик олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ўзлаштириш миқдорига эмас, балки қасбий ва педагогик ижодкорликнинг юқори даражасини эгаллаган, янги гояларни яратишга қодир, доимий равиша мустақил изланувчан, ижодкор, ташаббускор, кадрлар тайёрлашга каратилмоғи керак. Давлат ва жамият талабларини бажариш ҳамда билимли, малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасаларига катта маъсулнинг юклайди. Мазкур жараён умумий ўрга мактаби, ўрга маҳсус қасб-хунар мактаби, малака ошириш ҳудудий марказлари, олий таълимнинг мазмунан узвий боғланиши билан кечади. Олий таълим тизимининг бугунги кундаги ривожланиш боскичида талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш долзарб муаммо саналади. Олий таълимнинг асосий вазифаси битирувчиларнинг қасбий тайёргарлик сифатини ошириш, уларнинг келажақдаги педагогик фаолиятида самараדורликни таъминлашdir.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ностандарт вазиятларда билим ва кўникмаларни кўллаш, турли хил қасбий ва кундалик масалаларни ҳал килишининг ўзига хос, мақбул усулини топишга тайёр бўлган бўлажак мутахассисларни тайёрлашда янгича

ёндашув талаб этилади[1]. Талабаларнинг ижодий ривожланишига хисса қўшадиган ўкув жараёнини ташкил этишга янги ёндашувларни топиш муаммоси мухим ўрин эгаллади. Бу эса, аклий фаолият, интеллектуал қобилият, иродавий-хиссий ҳусусиятларга боғлиқ. Ижодкорлик талабанинг муқобил қарор қабул қилиш, янги гояларни яратиш қобилиятини намоён қилиши билан ифодаланади[5]. Талабанинг ўз маҳоратини амалий фаолиятга сингдириш маҳорати ижодий қобилиятнинг сифати дейиш мумкин. Ижодкорлик-интеллектуал қобилият, ижодий фаолият ва изланишни тақозо қиласи.

Д.Б.Эълкониннинг тайқидлашича “ижод-ўзаро боғлиқ қобилиятларнинг бир қанча элементларни: тасаввур, ассоциативлик, фантазия, хаёлпарастликни ўзида мужассамлаштирган қобилиятдир”[6]Шахсий фаолиятнинг энг юқори шакли сифатида ижод узок тайёргарлик, доноликни, ижтимоий интеллекнинг юқори даражасини талаб қиласи.

Ижодий қобилият- бу шахснинг таъсирчанлиги, предметни идрок қилишининг кучлилиги ва яхлитлиги, у тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлишидир. Олий таълим жараённада талабаларда тафаккур ўзгарувчанлиги ва тезкорлиги, мантикий ва саводли мулоҳаза юритиш, тизимли ҳаракатлар, синтез-таҳлил-синтез, ижодий ифодалай билиш, умумлаштириш ва хуносалаш амалий ўкув топширикларини бажаришда рўй беради. Дарс ва дарсдан ташқари вақтларда талабанинг ўз фикрига эга бўлиш, ишни охиригача бажариш, ишчанлик, ўз

билимларини бошқаларга етказа олиш каби асосий креатив сифатлар мустаҳкамланади. Ижодий ривожланиш шахс ривожланишининг муҳим омили, ҳар қандай фаолиятдаги муваффакиятнинг гарови, кишилар билан мулоқот, кундалик фаолиятдаги ютуклар омилидир[3].

Т.Н.Ковалчук ижодкорликка қўйидагича таъриф беради “бу сифат жиҳатидан янги материаллар ва маънавий қадриятларни яратадиган инсон фаолияти жараёни. Ижодий фаолиятни муваффакиятли амалга ошириш, унинг турли шаклларида ўзига хос, ностандарт ечимларни излаш учун зарур бўлган шахсий хусусиятлар ва фазилатлар тўплами тушунилади”[4].

Дарҳақиқат ижодкор бу ижодий янгилик ва ўз-ўзини такомиллаштиришга қодир шахс хисобланади. Ижодкорлик ҳар қандай фаолиятни муваффакиятли амалга ошириш билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий фазилатлари мажмуи бўлиб, илм-фан тараққиёти учун аҳамиятга эга бўлган янги гоя саналади.

А.Р.Нечеев “юқори натижаларга эришган одамлар ижодий қобилиятлардан ташқари, ўз режаларини, фаоллигини, ташкилотчилик қобилиягини ва олинган натижаларни химоя қилиш қобилиятини бажариша катъиятилилкка эга бўлишлари керак “деган хulosага келади [4].

**Тадқиқот методологияси.** Ижодий қобилиятни ривожлантириш инсоннинг ўз ташаббуси, истеъоди, фавқулодда вазиятларда ечим топишга тайёрлиги, билим ва кўнікмаларига асосланган ҳолда шахсий қарашларини намоён этиш билан боғлиқ жараёндир.


Юқорида келтирилган педагогик қарашларга таяниб, кластер ёндашуви асосида талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш тузилмаси келтирилади (1-расм).

Талаба фаолияти- педагогик жараёнида бевосита ўқитувчи билан ўзаро ижодий муносабат амалга оширилади.

Бунда “ўқитувчи-талаба”ни замонавий технология ва усусларни кўллаш орқали ахборотни қабул қилиш ва таҳлил қилишга йўналтиради.

Коллaborativ ҳамкорлик- талаба ахборот ресурс маркази, илмий ва тадқиқот институтлари, кутубхона, мактабгача таълим лабораторияси, мактаб билан ҳамкорликда илмий ва ижодий изланиш олиб боради. Курс лойиҳаси, кейс тўпламларини тайёрлайди.

Кредит-модул тизимида –мустақил равища таъланмаган фани юзасидан айспиринг тестлар, педагогик вазиятларвидодарс, ижодий лойиха, дарс ишланмаси, технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан ўкув топширикларини бажаради. Ўқитувчи томонидан талабага кўрсатма бериб борилади.



1-расм. Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш тузилмаси

**Таҳлил ва натижалар.** Адабиёт ва илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиягини босқичма-босқич ривожлантириш мақсадга мувоғиқ деган хulosага келдик.

1. Талабаларнинг шахсий қизиқишлиарини аниқлаш. Ўкув жараёнини режалаштириш ва ташкил этиши билан боғлиқ бўлган ижодий қобилиятни ривожлантириш тизимидағи биринчи босқич саналади Талабанинг ҳайтий тажрибаси ва қизиқишига таяниб, унда ташаббускорлик, муаммони ҳал қилиш бўйича ўз қарашларини тақдим этишга йўналтирилади.

2. Вазифа ва лойихаларни эркин танлаш. Ўкув топширикларини аниқлаш, вазиятлар яратиш, ечимни талаб қиласидан саволни шакллантириш муҳимдир. Шу билан бирга, ҳар бир талабанинг ўзига хос қизиқишлиари ва афзалликлари билан боғлиқ бўлган муаммоли материални танлаш керак.

3. Ижод мухит яратиш. Ўкув етарли даражада ўзлаштиришни таъминлайди. Талабаларни турли хил ижодий фаолиятта жалб қилинади.

4. Мотивацион. Мазкур босқич маҳсус шароитлар яратилиши билан тавсифланади, бунда талабаларда нафақат натижага, балки ушбу натижаларга эришиш жараёнига ҳам максимал қизиқиш шаклланади.

Шунингдек, ривожлантирувчи мухит яратилади. Талабаларда нафақат натижа, балки ушбу натижаларга эришиш жараёнига максимал қизиқиш ортади бунинг учун эҳтиёж, стимуллар, хислар, хошишлар, қизиқишлиар, мотивлар эътиборга олинади. Бу ерда талабанинг мақсад сари интилиши, фаоллиги, талабчанлиги, мустақиллиги, интизомлилиги, катъиятилилиги, сабрлилиги ва шу каби фазилатлар назарда тутилади. Талабаларни касбга қизиқтириш, касбий фаолиятга мақсадли тайёрлашда муҳим омиллардан саналади. Ўз ҳаракатларига қизиқмасдан, мотивация пасаяди, уни салбий ёки ижобий

мустаҳкамлаш билан алмаштириш мумкин емас. Режалаштиришнинг якуний натижаси ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг ушбу босқичида усул ва методларни танлашга боғлиқ.

5. Талабаларни ижодий жараёнга йўналтириш. Талабалар ўз фаолиятида тез-тез муваффакиятли ривожланади инсон ўз қобилиятларининг "чўққисига" етиб боради ва аста-секин бу чўққини юкорисига кўтаради). Шахсий манфаатларни жамоавий манфаатларга сингдириш учун шароит яратиш мухимдир. Олинган билимларни умумий ташаббус билан биргалиқда нафакат ўкув фаолиятида, балки кундалик хаётда хам амалга ошириш мухимдир.

6. Натижаларни намойиш этиш. Ушбу якуний босқичда жараённинг якунланиши намойиш стилади, шунингдек эришилган натижаларнинг ахамиятини тушуниш ва кейинги ижодий йўлни давом эттиришга хизмат киласи. Талабаларнинг ижодий қобилиятни ривожлантириш учун юкоридаги шартларни босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Ижодий қобилиятнинг ривожланиш даражалари мавжудлиги сабабли, ушбу босқичлариз амалга ошмайди, яъни ҳар бир босқич музайян мақсадга қаратилади.

Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириши борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида унинг бир катор тамоилиларини тавсия этамиз. Олий таълим муассасалари учун қўйидаги турларини таклиф қиласиз:

1. Рағбатлантирувчи тамоили. Бу тамоилнинг моҳияти ўқитувчи талаба фаолиятини тўғри ва холис болаш орқали у томонидан турли вазиятларга асосланган рағбатлантирувчи холатлар юзага келганда, уни кўллаб-куватлаши, рағбатлантириши керак. Натижада объекти берилган баҳо масъулиятни англашига мотивациян йўналтиради, психологик эмоционал харакатта келтиришга имконият яратади.

2. Интегративлик тамоили. Ушбу тамоил дарсларда фаолият турлари, ўкув материалларининг ўзаро бир-бирига ўйғунлашуви таъминланади, ўзаро таъсирини ўзида акс эттиради. Интегративлик бутун педагогик

жараёнда талабаларнинг турли хил фаолияти бирлаштирилади. Улар фаолиятни онгли ташкил этишига сабаб бўлади ҳамда талабаларни ўзини-ўзи тарбиялаши ҳамда тартибга солади, мавжуд меъёрлар доирасида ҳаракатланишига сабаб бўлади.


Онглилик ва фаоллик тамоили. Шахснинг таълим маскани ва таълим берувчи табиатидан келиб чиқиб, олаётган билимини ҳаётда кўллай олишлари учун таълим жараёнида мустакил фикрлаш мухитини яратиш, билимларни онгли равишда ва фаол катнашиб ўзлаштириш. Ўқитувчилар ва талабаларнинг биргалиқдаги ижодкорлиги ҳамда ҳамкорлигига асосланади.

4. Табиийликка мослашиш тамоили фаолиятнинг ички ва ташки боғлиқликлари. Ушбу тамоилда талабанинг ички имкониятлари ва индивидуал хусусиятлари инобатга олинади. Шунингдек, талабалар зарур билимларни ўзлаштириб олиши ва кундалик ҳаётида уларни назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамланиши натижасида дунёқарashi такомиллашиб бориши билан изоҳланади.

5. Кўпвариантлилик тамоили. Дарс жараённида ўкув топшириклари талабаларнинг ўзлаштириш даражасига караб шакллантирилади.

Амалиёт давомида билимлар татбиқ этилса, унинг мухим эканлиги аниқ бўлади ва қасбий сифатлар ичидаги мухим ўрини тутади. Ўқитувчилар ўкув жараёнига барқарор мухитни барпо этиш масаларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланади. Талабаларнинг ички холатини сезиши қобилияти, ҳамдардлик кўрсатиш каби ҳаракатларга ахамият бериш керак. Педагогик томонидан бундай фаолият тўғри йўналтирилмаса, ривожланаётган шахса шу жумладан, ижодийлик намоён бўлишида муаммолар пайдо бўлади.

6. Тизимлилик тамоили. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг умумий алоқадорлигини тасаввур қилиш ҳамда ўзлаштириш, турли вазифаларни ҳал этишини таъминлайди. Талабалар учун яратилган кулаг ва эркин шароит билимларни ўзлаштириш самарали кечишига хизмат қиласи.



**Хуласа ва таклифлар.** Талабаларнинг интеллектуал-ижодий қобилиятини ривожлантириш муваммосини ўрганиши қўйидаги хуласаларга олиб келди.

1. Ижодийлик фақатгина талабанинг билими билан эмас, балки назарий ва методик коидаларни ўз фаолиятига татбиқ эта олиши, ўзини-ўзи тарбиялаши ва ўзини-ўзи такомиллаштириш қобилияти билан хам белгиланади.

2. Интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантириш жараёни-ўзини-ўзи билиш, бошқариш, такомиллаштириш ва anglash орқали кечадиган жараён. Бунинг учун талабаларни ушбу фаолиятга мақсадли тайёрлаш лозим.

3. Талабаларни ўзини-ўзи ижодий ривожлантиришни рағбатлантириш уларда ўз фаолиятини тўлақонли амалга оширишларига туртки бўлади ва педагогик қобилиятни шакллантишига олиб келади.

4. Талабаларни кўллаб-куватлаш орқали шахсий муаммолари ҳал этилади натижада, ижодий тайёрликка эга бўлади.

Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантиришда топширикни мустакил бажариш, ўзаро ҳамкорликда ишлаш, кластер ёндашувгага таяниш лозим. Бундан ташкири ижодий ёшдашиш эришилган натижалардан кониқиши хиссини юзага келтиради бу эса талабаларни кейинги ютукларга қадам босишига ундаиди. Талабанинг ўзига бўлган ишончи ортади ва атрофдагиларнинг унга бўлган муносабати бошқаларни ҳам ижодкор бўлишга чакиради. Натижада таълим жараёнида соғлом ракобат мухити юзага келиб, бўлажак педагогларда таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда ижодий фаолиятни ташкил этиш, етакчи бўлиш хоҳиши, интеллектуал жиҳатдан етук бўлиш мотивацияси ортади.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 8.10.2019 й., ПФ-5847.
2. Мирзиёев Ш. “Иктидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 03.05.2019й , ПҚ 4306-сонли қарори.
3. Ковальчук Т.Н.Творчество как педагогическая категория //Высшая образование в России 2004.№2 С. 103-105.
4. Нечаев А.Р Как преподовать психологию?С.Питербург 1913.57с
5. Пиаже Ж. Психология интеллекта. Питер.: 2003.-192 с
6. Фозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002- 499 б
7. Эльконин Д.Б. Детская психология. Издательство академия. М:2007-384 б. 170-с